



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iybar

146 n -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Қиличева Зулфия
Йўлдошовнанинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Тозабозор” маҳалласида яшовчи фуқаро Қиличева Зулфия Йўлдошовнанинг “Тозабозор” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 7 январдаги ШЯ-Қ-27-сонли аризасини, “Тозабозор” маҳалла фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 4 ноябрдаги 3800-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Тозабозор” маҳалласида жойлашган 7 (етти) та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 52,35 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 128,80 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 181,15 квадрат метр, қурилиш ости майдони 237,0 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Қиличева Зулфия Йўлдошовнага мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.


2. Фуқаро Қиличева Зулфия Йўлдошовнага ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон

Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фукаро Қиличева Зулфия Йўлдошовнага ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев